

**Ҳ У К М**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**

2024 йил январь ойининг 12-куни жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи А.Бегматов,

судья ёрдамчиси М.Хомидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Асака туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Тошхўжаев, жабрланувчи Г.Каримова, судланувчи Ш.Солиев ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Мамажоновларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисмининг “ж,и” бандлари билан

га оид 1-1703-2302/353-сонли жиноят иши

кўриб чиқилди.

1981 йил 10 апрель куни Асака шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Асака тумани, Ўзбекистон МФЙ, Тошлоқ кўчаси 9-уйда яшайди, иш бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, 2023 йил 24 октябрь кунидан буён қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 6 декабрь куни олган,

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши бўйича тўпланган далилларни текшириб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи \_\_\_\_\_, 2023 йил 4 октябрь куни соат 16:00 ларда Асака тумани, Барака МФЙ худудида жойлашган “Акмал Фарм” дорихонаси олдида бир рўзғор асосида яшовчи ундан бир нафар фарзанди бўлган шаръий никоҳдаги турмуш ўртоғи Каримова Гулмира Сойибжон қизи билан оилавий келишмовчилик натижасида уриб суд-тиббий экспертизасининг 17.10.2023 йилдаги 946-сонли хулосасига кўра “чап ғаймоқ бўлиқ деворини юқориги девори (чап кўз олмаси пастки девори)ни ёпиқ синиши, бошни пешона, чап кўз пастки қовоқ сохаларида қонталашлар, пешона сохасида шилинма”лар борлиги аниқланиб, Г.Каримовага соғлик учун хавфлилик мезонига кўра ўртача оғир тан жарохати етказган.

Бундан ташқари судланувчи \_\_\_\_\_ ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2023 йил 24 октябрь куни соат 16:00 ларда Асака тумани, А.Темур МФЙ худудида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғилланувчи натариус биносида ўзининг шаръий никоҳида бўлган турмуш ўртоғи Каримова Гулмира Сойибжон қизи билан ўзаро оилавий низолар сабабли ўзи билан олиб келган хўжалик пичоғи билан сон ва бел



қисмига уриб тайинланган суд-тиббий экспертизасининг 24.10.2023 йилдаги дастлабки маълумотномасига кўра Г.Каримовага соғлиқнинг узоқ муддатга бузилиш мезонига кўра ўртача оғир тан жарохати етказган.

Иш бўйича судга оид тиббий экспертизасининг 09.11.2023 йил кунги №1038 суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра жабрланувчи Г.Каримовада “ўнг оёқ сон соҳаси юқори қисми санчилик кесилган жарохати, сон мушаклари ва ўтиргич нерв жарохати билан, жарохатдан кейинги ўнг томон болдир нервлари нейропатияси, ўнг оёқ дистал монопарези, постгеморрагик шок, ўнг қўл 1-2-бармоқ, чап қўл 1-бармоқ, ўнг биқин, ўнг сон соҳаларида санчилик кесилган, чокланган яралар, ўнг кўз ташқи юзаси-чакка соҳасида, чап қўл 2-бармоқ суяги соҳаларида тилинмалар, ўнг кўз қовоқлари соҳаларида қонталашлар” аниқланиб соғлиқнинг узоқ муддатга бузилиши мезонига кўра – ўртача оғир тан жарохатлари етказилган.

Судланувчи судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2013 йилнинг декабр ойида Асака тумани, Ўзбекистон МФЙда яшовчи Солиева Шахноза билан қонуний никоҳдан ўтиб оила қуришганлигини, турмушлари давомида 2 нафар фарзандли бўлишганлигини, у 2014 йилнинг охирида Асака тумани, Муқимий кўчасида яшовчи Каримова Гулмира билан қонуний никоҳдан ўтиб оила қуришганлигини, турмуши давомида 1 нафар фарзандли бўлишганлигини, ҳар иккала турмуш ўртоғи билан ҳам алоҳида алоҳида яшаб келишганлигини, шаръий никоҳ орқали яшовчи турмуш ўртоғи Г.Каримова билан оилавий низолар тез тез тортишиб туришганлигини, сабаби турмуш ўртоғи Г.Каримовани унга гап қайтариши сабаб бўлганлигини, шу сабабли турмуш ўртоғи Г.Каримовани Асака шаҳардаги “Акмал фарм” дорихонаси олдида бош қисмига бир неча маротаба урганлигини, 2023 йил 3 октябрь куни кечга яқин Г.Каримовани уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, эртаси куни Г.Каримовани қарндоши Асака тумани, Беруний МФЙда жойлашган “Шарқ” тўйхонасида тўй маросими бўлаётган жойдан фарзандини олиб кетаётган вақтида Г.Каримова ортидан келиб бақир чақир қилганида “ҳар қанча гапинг бўлса ҳам уйда гапир кўчада бақир чақир қилма” деб айтганлигини, бироқ Г.Каримова гапига қулоқ солмаганлиги сабабли унинг қулоғининг тагига урганлигини, у бу ҳақида 102 операторига қўнғироқ қилиб турмуш ўртоғини уриб қўйганлигини айтганлигини, 2023 йил октябрь ойининг бошларида Г.Каримованинг иш жойи бўлган “Асака тумани хусусий нотариус билан шуғилланувчи нотариус”га бормаслигини айтганлигини, лекин Г.Каримова гапларига қулоқ солмаганлиги, шу сабабли бу ҳақида нотариуснинг раҳбари Н.Хоналиевга ундан рухсат сўрамасдан ишга олмаслигини айтганлигини, ой бошидан буён бўлиб келаётган оилавий низолар сабабли 2023 йил 24 октябрь куни Асака туманидаги сойнинг олдида спиртли ичимлик истеъмол қилиб турмуш ўртоғини тартибга чақириб қўйишлик, иложи бўлса қўрқитиб қўймоқчи бўлиб қаердандур пичоқ топиб олганлигини, сўнг пичоқни ўзи билан бирга олиб



кийимининг чўнтак қисмига солиб нотариус биносига борганлигини, ичкарида турмуш ўртоғи Г.Каримова ўтирган хонага бориб “менга қараб қўй” деб айтганлигини, турмуш ўртоғи Г.Каримовани мижозлари ва икки нафар шериклари ҳам бўлганлигини, уни чақирганида чиқмаганлиги сабабли унинг рахбари Н.Хоналиевни хонасига кириб “сенга мен ўтган сафар ўзбекча тушунтирдим” деганида Н.Хоналиев “хозир, бир минут” деб айтганлигини, сўнг турмуш ўртоғи ўтирган хонага кириб Г.Каримовани юз қисмига бир шапалоқ уриб чўнтагидаги пичоқни олиб ўзини йўқотиб қўйиб танасининг қорин ва бошқа қисмига бир неча маротаба урганлигини, у пичоқ уришни тўхтаб пичоқни ерга қўйиб, тиззалаб қўлини орқага қилиб олганлигини, сўнг ИИБга ўз ихтиёри билан борганлигини, ҳозирда қилган ишларидан пушаймонлигини билдириб қонуний енгиллик беришни сўради

Жабрланувчи Г.Каримова судда, Асака тумани, Ўзбекистон МФЙ Тошлоқ кўчасида яшовчи Солиев Шерзод исми шахс билан 2017 йилда шарий никоҳ асосида турмуш қуришганлигини, турмушлари давомида 1 нафар фарзандли бўлишганлигини, кўп маротаба жанжаллашиб келишганлигини, сабаби турмуш ўртоғи яшаш хонадони бўлган Асака тумани, Қайрағоч МФЙдаги яшаш хонадонини сотиб юборгани ва яшаш учун жой олиб бермаётган бўлганлигини, 2023 йил 27 сентябрь куни соат 22:00 ларда яшаш хонадонидида турмуш ўртоғи Солиев Шерзодбек билан оилавий жанжаллашиб турмуш ўртоғи уйдан хайдаб юборганлиги сабабли уйдан нарсаларини йиғиштириб фарзанди бўлган Мухаммадимрон билан қизлик уйи бўлган Асака тумани, Муқумий МФЙга келганлигини, сўнг 2023 йил 4 октябрь санасида Асака тумани, И.Бухорий кўчасида жойлашган “Шарқ” тўйхонасида қариндошини тўйи бўлаётган вақтида ўғли Мухаммадимронни турмуш ўртоғим Солиев Шерзод олиб кетганлигини, сўнг шу куни соат 13:00 ларда фарзанди Мухаммадимронни олиб келиш учун ФВВ бўлимининг ёнида бўлган номсиз бир чойхонага борганлиги ва Ш.Солиев ва ўғли Мухаммадимронни кўргани ва ўғлини олиб кетиш учун турмуш ўртоғи Ш.Солиевга айтганида у уриб кета бошлаганлигини, ерга йиқитиб танасининг турли жойларига тепгани ва ушбу ҳолат юзасидан суд тиббий экспертизасидан ўтиб экспертиза хулосасига кўра ўртача оғир тан жароҳати етказилганлигини, 2023 йил 24 октябрь куни ўз иш жойига ишлаш мақсадида келганида ишхонадаги шериклари билан ишни давом эттираётган вақтида турмуш ўртоғи Ш.Солиев келиб ўзининг ёнида бўлган ошхона пичоғи билан 1 маротаба бели ва 1 маротаба сон қисмига зарба берганлигини, сўнг олган тан жароҳати бўйича шифохонада даволаниб чиққанлигини, унга нисбатан қонуний чора кўрилиши ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Г.Пўлатова судда, 2020 йилнинг май ойларидан буён Асака тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус котибаси лавозимида ишлаб келишлигини, у 2022 йилдан буён ҳамкасби бўлган Каримова Гулмирахонни танишлигини, сабаби Г.Каримова 2022 йилдан



буён фаолият кўрсатаётган бинонинг бошқа хонасида таржимонлик билан шуғулланиб келганлигини, 2023 йилнинг апрель ойидан буён фаолият кўрсатиб келаётган Асака тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус котибаси лавозимида ишга қабул қилиниб, ўз фаолиятини давом эттирганлигини, 2023 йилнинг октябрь ойининг бошларида Г.Каримованинг турмуш ўртоғи бўлган Ш.Солиев ишхонасига келиб, Г.Каримова билан оилавий низолар натижасида жанжаллашиб унинг тана азоларининг турли қисмларига тан жароҳати теказиб кетганлигини, сўнг у Г.Каримовани даволатиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлигини, сўнг ушбу ҳолат юзасидан Г.Каримова ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, 2023 йил 24 октябрь куни соат 16:00 ларда раҳбари бўлган Н.Хоналиевнинг ёнига ишончномаларни тасдиқлатиш учун кирган вақтида бирдан ташқари томондан бақир-чақир овозлари эшитилганлиги, шунда ташқарига чиққан вақтида хамкасби Г.Каримовани турмуш ўртоғи Ш.Солиев томонидан пичқланганлигини кўрганлигини, сўнг Ш.Солиев яна Г.Каримовага ташланаётган вақтида уни ажратиб, зудлик билан тез тиббий ёрдамга мурожаат қилишганлигини, сўнг Ш.Солиевни миллий гвардия ходимлари олиб кетишганлигини, улар Г.Каримовани тез тиббий ёрдам машинасида туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ С.Абдулазизова судда, судда сўралган гувоҳ Г.Пулатовани кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Ш.Солиевнинг содир этган жинояти унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, жабрланувчининг аризаси, суд-тиббий экспретизасининг хулосаси билан, жабрланувчи Г.Каримова, гувоҳ Г.Пулатова С.Абдулазизованинг дастлабки тергов ва суддаги, Н.Хоналиевни дастлабки терговдаги кўрсатмалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, судланувчи Солиев Шерзод Фозилджоновичга тергов органи томонидан қўйилган айбловни муҳокама қилиб, оилавий зўравонликда, яъни турмуш ўртоғини совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёни ишлатиб қасддан уриб, такроран ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисмининг «ж,и» бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси 2-қисмида, инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва



жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Ш.Солиевга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жиноятни ғаразли ва паст ниятда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг судланувчига нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги талабини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони ЖК 50-моддаси 8-қисмининг “а” бандига асосан манзил-колонияларда ўтаттиришни лозим топади.

Жабрланувчи Г.Каримовага келгусида моддий зарар ва маънавий зарарни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211-моддаси тартибида ашёвий далил масласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган 1 жуфт аёллар обязали, 1 дона аёллар юбкаси, 1 дона аёллар жикети, 1 дона аёллар кўйлаги, 1 дона аёллар капрони дастлабки тергов даврида тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни, 1 дона пичоқни тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб суд,

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Судланувчи Ўзбекистон  
Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисмининг “ж,и” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

га Ўзбекистон Республикаси ЖК  
126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисмининг “ж,и” бандлари билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ учун манзил-колонияларга юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 24 октябрдан бошлаб ҳисоблансин ва уни қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.



Жабрланувчи Г.Каримовага келгусида моддий зарар ва маънавий зарарни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 жуфт аёллар обязали, 1 дона аёллар юбкаси, 1 дона аёллар жикети, 1 дона аёллар кўйлаги, 1 дона аёллар капрони дастлабки тергов даврида тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил 1 дона пичоқ тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

имзо

**А.Бегматов**

нусхаси аслига тўғри:

